



ЎУДУДЛАР ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИ ТАЎЛИЛИ

*Исматуллаев Жасурбек Анварович -
Қарши ДУ таянч докторанти*

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a52

Аннотация. Мақолада республика иқтисодиётининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатлари таҳлили ҳамда мамлакатимизнинг инвестицион фаоллиги ва жозибadorлигини оширишдаги эришилган ютуқлар ҳамда мавжуд имкониятлар, муаммолар таҳлил қилиниб, уларнинг ечимлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ЯИМ, инвестиция, инвестицион жозибadorлик, капитал, инновация, глобаллашув, модернизация, инфратузилма, экспорт.

АНАЛИЗ ТЕРРИТОРИАЛЬНОЙ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ

*Исматуллаев Жасурбек Анварович -
Каршинский ГУ базовый докторант*

Аннотация. В данной статье анализируются темпы социально-экономического развития экономики республики, а также достижения в повышении инвестиционной активности и привлекательности страны, а также существующие возможности и проблемы и вырабатываются предложения по их решению.

Ключевые слова: ВВП, инвестиции, инвестиционная привлекательность, капитал, инновации, глобализация, модернизация, инфраструктура, экспорт.

ANALYSIS OF TERRITORIAL INVESTMENT ATTRACTIVENESS

*Ismatullayev Jasurbek Anvarovich -
Karshi SU basic doctoral student*

Annotation: This article analyzes the pace of socio-economic development of the republic's economy, as well as achievements in increasing the investment activity and attractiveness of the country, as well as existing opportunities and problems, and develops proposals for their solution.

Key words: GDP, investments, investment attractiveness, capital, innovation, globalization, modernization, infrastructure, export.

Кириш. Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техник ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш, модернизация қилишда авваламбор маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда қулай инвестиция муҳитини яратиш долзарблик касб этади. Бу, ўз навбатида, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадларини ошириш ҳисобидан камбағалликни қисқартириш каби ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Шунинг эътиборга олган ҳолда республикамиз ҳудудларида маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этаётган корхоналарни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, уларга зарур ёрдам кўрсатишни давлат сиёсати даражасига кўтариш муҳим вазифалардан саналади.

Мамлакат ҳудудларнинг салоҳиятини аниқлашда маҳаллий ва хорижий инвесторлар минтақаларнинг ривожланиш стратегияси, аҳолининг даромади ва маҳаллий бошқа-

рув органлари томонидан олиб борилаётган комплекс чора-тадбирларнинг нечоғли бозор муносабатлари асосида олиб борилаётганлиги қараб қарор қабул қилади. Миллий иқтисодиётдаги молиявий ресурслар тақчиллигини қоплаш мақсадида маҳаллий ва хорижий капиталлар оқимини жалб этишда қулай инвестиция муҳитини яратиш зарур ҳисобланади. Инвестиция муҳити инвесторларга иқтисодиёт тармоқларига сармоя киритиш, ўз фаолиятларини кенгайтириш учун имконият ва рағбатлар яратадиган бир қатор омиллар мажмуи билан белгиланади.

Инвестиция муҳити жозибadorлиги – маҳаллий ва хорижий инвесторлар хўжалик фаолияти юритишининг умумий иқтисодий, меёрий-ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларини белгилайди. Минтақадаги инвестициявий жозибadorлик ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, экологик ва табиий ресурс салоҳияти каби омилларга боғлиқ. Бу

омилларнинг мавжудлиги келажакда фойда олиш ва узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилган хорижий инвестицияларни жалб қилиш имкониятини беради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

«Минтақавий инвестицион жозибаторлик» атамаси замонавий иқтисодий адабиётларда жуда тез қўлланилади. Ушбу тушунчага бир нечта халқаро рейтинг агентликлари томонидан таърифлар берилган. Хусусан “Эксперт РА” рейтинг агентлиги қуйидагича таъриф беради, яъни инвестицион жозибаторлик – инвестиция муҳити тушунчаси билан бир хил бўлиб, инвестиция потенциални (мамлакатнинг объектив имкониятлари) ва инвестиция riskини (инвестор фаолияти шартлари) ўз ичига олади”[11].

Ушбу тушунчага хорижлик олимлар ва тадқиқотчилар томонидан жуда кўплаб таърифлар берилган. И.А. Бланк инвестицион жозибаторлик тушунчасини қуйидагича талқин этади яъни, “...инвестицион жозибаторлик – маълум бир инвестор нуқтаи назаридан маълум соҳалар ва объектларга инвестиция қилишнинг афзалликлари ва камчиликларининг умумий тавсифи”[1].

В.В. Литвинова минтақа инвестицион жозибаторли тушунчасини “...минтақанинг инвестицион жозибаторлиги минтақанинг инвестицион салоҳияти ва инвестиция таваккалчилигини баҳолаш асосида шаклландуви инвестиция муҳитининг ажралмас характеристикаси бўлиб, инвестор томонидан минтақани субъектив идрок этишини акс эттиради”[2] деб таъкидлайди.

А.Г.Третьяков минтақанинг инвестицион жозибаторлигини «...бу минтақада инвестициялар учун потенциал самарали талабни биргаликда белгиловчи турли объектив хусусиятлар, воситалар, имкониятлар тизими ёки комбинацияси»[3] деб таърифлайди.

Профессор Ш.И. Мустафакулов мамлакат/худуднинг интеграл инвестицион жозибаторлиги “...бу мамлакат/худуднинг хўжалик ривожланишига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатувчи объектив ижтимоий-иқтисодий, табиий-географик ва экологик кўрсаткичларнинг умумий даражасидир”[4] деб таърифлайди.

Юртимиз иқтисодчи олимларидан профессор А.М. Содиқов, ўз илмий асарида мамлакатимиз минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда табиий иқтисодий, ишлаб чиқариш, ижтимоий-демографик салоҳиятига боғлиқ бўлган уларнинг инвестицион

фаоллигининг ролини алоҳида асослаб берган[5]. Шунингдек, Ш.Х. Назаров ҳам иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестицияларнинг ролини изоҳлаб, минтақаларнинг рақобат устунликларини аниқлаб берувчи ички манбалардан бири сифатида инвестицион фаоллик даражасини келтиради [6].

Иқтисодчи олимлар Т.Ахмедов ва Ш.Отабоевнинг фикрларича, туман (шаҳар) табиий-иқтисодий салоҳиятини 13 та гуруҳлар (иқтисодий салоҳият, ижтимоий салоҳият, бюджет салоҳияти, тадбиркорлик салоҳияти, инвестицион салоҳият, инфратузилма салоҳияти, минерал-хомашё салоҳияти, ер ресурслари, сув ресурслари, демографик ва меҳнат салоҳияти, туризм салоҳияти, инновацион салоҳият, географик жойлашуви ва иқлими) га бўлиш, баҳолаш ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ [7].

А.Э.Қобилов худудларнинг инвестицион салоҳияти бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар синтези асосида туман (шаҳар)ларда юрилаётган статистик кўрсаткичларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, Қашқадарё вилояти туман (шаҳар)ларининг инвестицион потенциали аниқлаш 8 та гуруҳ омилар ва 29 та кўрсаткичларни баҳолашни[8] тақлиф этади. Илмий ишларда минтақанинг инвестицион муҳит жозибаторлиги, инвестицион салоҳият ва минтақа иқтисодиётига маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш муаммоларига бағишланган кўплаб масалалар кўриб чиқилган.

Тадқиқот методологияси. Илмий мақолада кўтарилган муаммони атлофлича таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини тизимлаштириш асосида илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишда индукция ва дедукция, мақсадли ривожлантириш, тизимли ва қиёсий таҳлил, график тасвирлаш, эксперт баҳолаш ва иқтисодий статистик каби усуллардан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. 2011 йилда республикаимиз аҳолисининг сони 29123,4 минг кишини, 2016 йилда эса 31575,3 минг кишини, 2021 йилга келиб эса 34558,9 минг кишини ташкил этган. 2011-2016 йиллар мобайнида республикаимизда аҳоли сони 1,08 баробарга ошган. 2021 йилда республикаимиз аҳолиси сони 34558,9 минг кишини ташкил қилиб, ўз навбатида, 2011 йилга нисбатан салкам 1,2 баробарга ортган бўлса жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажми ҳам ушбу давр оралиғида 10,6 баробарга ўзгарган. Иқтисодиётни ривожланиши учун инвестицияларнинг муҳимлигини яратилган ЯИМ орқали ҳам кўриш мукин. 2011 йилда респуб-

лика иқтисодиётини тараққий эттириш мақсадида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 19500,0 млрд сўмни ташкил этиб, ҳудудлар кесимида қарайдиган бўлсак энг катта улушларга ҳудудлар, яъни Тошкент шаҳри (18,1 фоиз), Қашқадарё вилояти (11,6 фоиз), Тошкент вилояти (11,4 фоиз) ҳамда энг паст улушларга эга ҳудудлар бу Хоразм вилояти (3,2 фоиз), Сирдарё вилояти (3,1 фоиз) ва Жиззах вилояти (3,0 фоиз) ҳиссасига тўғри келган.

2021 йилда ушбу кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, энг катта улушга ҳудудлар Тошкент шаҳри (23,5 фоиз), Тошкент вилояти (11,4 фоиз), Бухоро вилояти (7,8 фоиз) шу билан бир қаторда энг паст улушларга эга ҳудудлар кесимида қарасак, Сирдарё вилояти (3,6 фоиз), Хоразм вилояти (3,5 фоиз) ва Қорақалпоғистон Республикаси (3,2 фоиз) ҳиссасига тўғри келади (1-жадвал).

Мамлакатимизда 2021 йил якуни натижаларига қарайдиган бўлсак, энг катта улушга эга ҳудудлар орасидан Бухоро вилоятида сезиларли ўзгаришлар қайд этилган, яъни бундай натижани Қандим гуруҳи конларини газни қайта ишлаш заводи қурилиши, Хаузак ва Шоди конларини ўзлаштириш ва геология-қидирув ишларини олиб бориш дастури доирасида ўзлаштирилган инвестициялар билан изоҳлаш мумкин. Кейинги йилларда Жиззах вилоятида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, автомобилсозлик ва тўқимачилик саноати ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоқлари лойиҳаларини амалга оширилиши орқали республикаимизда етакчи ўринларни эгалламоқда. Бу, ўз навбатида, минтақаларнинг инвестициявий муҳити, минтақалардаги ер ости ва ер устки бойликлари, мавжуд инфраструктуранинг ривожланганлик даражаси, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг улуши юқорилиги ҳамда инвестицион юқорилиги билан изоҳланади.

Ҳудудларнинг бир текис ривожланишини таъминлаш, унда яшовчи аҳоли даромадлари ўртасидаги тафовутни қисқартириш билан боғлиқ масалаларни республика ва ҳудудлар даражасида ҳал қилиш давлатнинг ҳамда жойлардаги маъмурий бошқарув ҳокимликларнинг асосий вазифаси саналади. Олиб борилган тадқиқотларга кўра 2000-2005 йиллар оралиғида республикаимизнинг 11 та маъмурий ҳудудида аҳоли жон бошига тўғри келувчи инвестициялар миқдори республика ўртача кўрсаткичидан паст бўлганлиги, асосан 3 та маъмурий ҳудудда (Тошкент шаҳри, Қашқадарё вилояти ва Навоий вилояти)

мазкур кўрсаткич республика кўрсаткичидан кескин юқорилини билишимиз мумкин.

Ўрганишлар натижасида 2011 йилда республикаимиз бўйича аҳоли жон бошига тўғри келувчи инвестициялар ҳажми 664,6 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб 7015,9 минг сўмни ташкил этган ёки 10,6 баробарга ошган. Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ижросини таъминлаш орқали, ўтган давр мобайнида ушбу кўрсаткич бўйича республикаимизнинг 7 та маъмурий ҳудуди ўртача кўрсаткичдан юқорилигини кузатиш мумкин.

Ўз ўрнида, аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромадлар таҳлилини амалга оширар эканмиз, 2011 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадаларнинг ўртача қиймати 2928,9 минг сўмни ташкил этиб, ҳудудлар кесимида ушбу кўрсаткичдан юқори бўлган вилоятлар қўйидагилар: Тошкент шаҳри (5640,9 минг сўм), Навоий вилояти (5053,8 минг сўм), Бухоро вилояти (3505, минг сўм), Тошкент вилояти (3285,3 минг сўм) ва Сирдарё вилояти (3124,8 минг сўм). Ваҳоланки, бу кўрсаткичлар бўйича 2021 йил якунларига кўра республикаимиз бўйича ўртача аҳоли даромади 14769,0 минг сўмни ташкил этгани ҳолда, Тошкент шаҳри (30232,0 минг сўм), Навоий вилояти (24156,2 минг сўмни), Бухоро вилоятида (17847,1 минг сўм) ва Тошкент вилояти (16331,7 минг сўм) ҳудудлар орасида энг юқори кўрсаткичларни қайд этган. 2021 йилда Сирдарё вилоятида аҳоли жон бошига тўғри келувчи ўртача даромад республика кўрсаткичининг 85,8 фоизини ташкил этган бўлса, худди шу кўрсаткич 2011 йилда 107,0 фоизни ташкил этган. Кейинги йилларда ҳудудларда аҳоли жон бошига тўғри келаётган ўртача даромад умумреспублика кўрсаткичидан кескин фарқ қилмоқда.

2021 йил якунларига кўра аҳоли даромадлари таркибини 65,0 %ни меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар ва 26,3 %ни ташкил этмоқда[12]. Мамлакатимиз ҳудудлари иқтисодиётига киритилган инвестициялар айнан ўша йилнинг ўзида ЯҲМга таъсир кўрсатмаса-да, аммо муайян вақтдан сўнг ўз самарасини бера бошлайди. Олиб борилган таҳлилларни ҳар беш йилдаги ўзгаришлар билан боғлаб баён этсак, вазиятнинг вазиятни сифат жиҳатидан ўзгарганлигини кўришимиз мумкин.

MINTAQA IQTISODIYOTI

1-жадвал


Ўзбекистон Республикасида ялпи ҳудудий маҳсулот ва асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми тўғрисида маълумот, 2011-2021 йиллар

Кўрсаткичлар	Ўзбекистон Республикаси	Қорақалпоғистон Республикаси	Анджон	Бухоро	Жиззах	Қашқадарё	Навий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент	Фарғона	Хоразм	Тошкент ш.
2011 йил															
ЯИМ (ҳудудлар бўйича ЯҲМ, млрд.сўм)	103 232,6	2 800,3	6 183,4	6 110,8	3 048,2	8 858,9	5 285,4	4 703,5	8 218,5	5 217,1	2 374,3	10 200,6	7 228,5	3 870,6	13 409,6
Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд. сўм	19500,0	950,3	1037,2	2101,8	580,3	2265,9	1421,9	764,2	1345,6	802,9	596,7	2221,6	1261,4	627,1	3523,1
Жон бошига инвестициялар, минг сўм	664,6	563,3	385,1	1239,5	493,2	823,9	1621,1	318,4	407,9	365,4	813,8	835,9	387,5	388,3	1529,9
Жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад, минг сўм	2928,9	1972,2	2523,9	3505,6	2441,0	2599,0	5053,8	2170,0	2619,6	2511,5	3124,8	3285,3	2295,2	2815,8	5640,9
2021 йил															
ЯИМ (ҳудудлар бўйича ЯҲМ, млрд.сўм)	734 587,7	26 250,7	43 790,8	38 742,4	23 349,2	43 833,3	59 357,7	34 479,8	53 749,9	30 090,5	15 583,1	82 148,4	47 331,9	26 900,3	121 829,5
Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд. сўм	244962,6	7879,1	12143,7	18995,6	13224,4	16225,1	16309,1	13302,4	17722,8	11326,5	8708,0	27822,4	12920,6	8580,3	57611,3
Жон бошига инвестициялар, минг сўм	7015,9	4069,6	3770,4	9681,7	9267,9	4811,9	15931,5	4588,1	4442,4	4176,4	10011,5	9538,7	3348,9	4495,4	20433,9
Жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад, минг сўм	14769,0	11391,6	12862,9	17847,1	13229,7	12299,8	24156,2	11329,1	12874,4	11884,7	12675,3	16331,7	10929,8	15484,5	30232,0

Манба: ЎзР давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Айтиб ўтганимиздек, давлатимиз ҳукумати томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиялари ўзгариб туриши ҳам ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ўзгаришига сезиларли таъсир кўрсатади. 2021 йилда ЯИМни яратиш

да ҳудудлар ва тармоқлар улуши табиийки, турлича бўлган. ЯИМ таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳалари, замонавий ва юқори технологияларга ихтисослашган корхоналарнинг улуши юқори бўлиб қолмоқда (1-диаграмма).



1-диаграмма. ЯИМ вилоятлар кесимида, млрд сўм (жорий нархларда)

Манба: ЎзР давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Статистик таҳлилларга кўра республикада Тошкент шаҳри – 16,5 фоиз, Тошкент вилояти – 11,1 фоиз ва Навоий вилояти – 8,0 фоиз энг юқори кўрсаткични намоён этади. Бунда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти юқорилиги сабабли, ҳар йили асосий капиталга ўзлаштирилаётган ҳажми бўйича ҳам ушбу ҳудудлар пешқадам бўлиб келмоқда.

Қиёсий таҳлил қилсак, 2011 йилда республика бўйича ЯИМнинг ҳажми 103232,6 млрд. сўмни ташкил бўлса, 2021 йилга келиб, биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 121829,5 млрд сўмлик ЯИМ яратилди. Бунинг замирида бозор муносабатларининг чуқурлашуви ҳамда иқтисодиётни техник ва технологик янгилаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар, қабул қилинган миллий дастурлар турибди.

Хулоса ва тақлифлар. Инвестицияларни жалб қилишда асосий эътибор қаратиладиган омиллар бири сифатида ҳудуднинг инвестицион жозибadorлигини инobatга олиш орқали оқилона қарорлар қабул қилиш мақсадга мувофиқ саналади. Мамлакатимиз ҳудудларида сўнгги йилларда пандемия шарoитини ҳисобга олмаганда инвестиция муҳит жозибadorлиги ва фаоллиги ортиб бормоқда. Аммо шу билан бирга айрим муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Жумладан, 2011-

2021 йилларда республикаимизга жалб қилинаётган инвестицияларнинг салкам 56,0 фоизи 5 та ҳудуд – Тошкент шаҳри, Тошкент, Навоий, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу ҳудудларга ўзлаштирилаётган инвестициялар ҳудудлар иқтисодий кўлами ва аҳолиси сонига нисбатан каттарoқ улушга эга бўлиб қолмоқда. Бу ҳолат эса инвестиция салоҳияти даражаси бўйича ҳудудлар ўртасида ўзарo катта тафовутни келтириб чиқармоқда Бу муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги ислохотларни фаоллаштириш зарур:

- бизнесни фаолиятини йўлга қўйиш учун маъмурий тазйиқлар ва тамойилларни камайтириш, солиқ тизимини такомиллаштириш;

- ҳудудларда инвестицияларни жалб қилишда давлат ва ҳусусий шерикчилиги имкониятларидан кенг фойдаланиш;

- инвестиция жараёнида иштирокчи томонларнинг ўзарo бир-бирлари тўғрисида етарли маълумотга эга эмаслиги ёки бу маълумотларнинг тўлиқ ва ишончли бўлишини таъминлаш;

- инвестицион фаолият иштирокчиларининг манфаатларини кўзлаган ҳолда бозор

муносабатларига асосланган соғлом рақобат муҳитини шакллантириш;

➤ инвестицион лойиҳаларни самарали амалга ошишини таъминлаш учун зарур инфратузилмаларни яратиш, уларни имконият-

ларини кенгайтириш ҳамда инновацион усл-ларни кенг жорий этиш;

➤ маҳаллий инвесторлар учун ҳам қулай шарт-шароитларни яратиш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бланк И.А. Основы инвестиционного менеджмента. – СПб.: Ника-Центр, 2005 С. 265
2. Литвинова В.В. Инвестиционная привлекательность и инвестиционный климат региона: монография. – М.: Финансовый университет, 2013. – 116 с.
3. Третьяков, А. Г. Управление инвестиционной активностью в регионе: автореф. дис. ... канд. экон. наук. – М.: РАГС, 2006. 18 с.
4. Мустафақулов Ш.И. Инвестицион жозибадорликнинг назарий, методологик ва амалий талқини. Монография. – Т.: Маънавият, 2021.
5. Садыков А.А. (2005) Основы регионального развития: теория, методология, практика. Монография. – Ташкент: Iqtisod-moliya. – С. 198.
6. Назаров Ш.Х. (2014) Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов. Монография. – Ташкент: IFMR. – С. 41.
7. Ахмедов Т., Отабоев Ш. (2019). Худудлар салоҳиятини баҳолаш: ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишнинг муҳим асоси // Стратегическое планирование - важный фактор стабильности устойчивого социально-экономического развития страны и регионов: материалы Форума экономистов. – Ташкент: IFMR. – С. 376-386.
8. Kobilov, A. (2020). ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР. Архив научных исследований, 33(1). извлечено от <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/3748> Другие форматы библиографических ссылок
9. Исмамуллаев Ж. (2021). Mintaqalar ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining zamonaviy sur'atlari va ularning investitsion jozibadorligini tahlili. //Иқтисодиёт ва таълим, (4), 355-358.
10. Ismatullayev J. (2021). Минтақаларда пандемия инқирозига қарши бошқарувни қўллаш зарурати ва хусусиятлари. //Архив научных исследований.
11. www.raexpert.ru
12. www.stat.uz



MINTAQADA TOVARLAR VA XIZMATLAR BOZORI SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING YALPI HUDUDIY MAHSULOTGA TA'SIRI

*Xudayberganov Dilshod Tuxtabayevich -
Urganch davlat universiteti doktoranti,
i.f.n., dotsent*

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a53

Аннотация. Ushbu maqolada Xorazm viloyati mintaqasida tovar va xizmatlar bozori samaradorligini oshirishning viloyat yalpi hududiy mahsulotiga nisbatan ta'sirini aniqlashga qaratilgan ilmiy fikrlar ilgari surilgan va xulosalar bayon qilingan.

Калит so'zlar. Mintaqa, bozor, samaradorlik, bozor samaradorligi, yalpi milliy mahsulot (YaMM), yalpi hududiy mahsulot (YaHM), chakana savdo tovar aylanmasi, tashqi savdo aylanmasi, Cheddok shkalasi.

ВЛИЯНИЕ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ РЫНКА ТОВАРОВ И УСЛУГ РЕГИОНА НА ВАЛОВОЙ ПРОДУКТ

*Худайберганов Дилшод Тухтабаевич -
Докторант Ургенчского государственного
университета, к.э.н., доцент*

Аннотация. В данной статье выдвигаются идеи, направленные на определение влияния повышения эффективности рынка товаров и услуг Хорезмской области на валовой региональный продукт.

Ключевые слова. Регион, рынок, эффективность, эффективность рынка, валовой национальный продукт, валовой региональный продукт, розничный товарооборот, внешнеторговый оборот, шкала Чеддока.